

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК
АГЕНТЛИГИ БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ
БҮЙРУҒИ

427 Саноат намунасига Ўзбекистон Республикасининг патенти берилиши учун талабномаларни тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил
30 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1361-2*

(2011 йил 10 октябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 июндаги 166-сон «Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 22-23-сон, 236-модда) ижросини таъминлаш мақсадида **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси директорининг 2004 йил 21 апрелдаги 22-сон буйруғи (рўйхат рақами 1361, 2004 йил 20 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 20-сон, 243-модда) билан тасдиқланган Саноат намунасига Ўзбекистон Республикасининг патенти берилиши учун талабномаларни тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Ушбу буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Бош директор

А. ХОДЖАЕВ

Тошкент ш.,
2011 йил 26 август,
33-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.